



MILLIY TIKLANISH

24 (1022) ● 2019 йил 19 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

2019-2023 ЙИЛЛАРДА МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўз фаолияти даврида таълим ва илм-фанни ривожлантиришга, шунингдек, республика иқтисодийнинг турли тармоқлари, ижтимоий ва маънавий соҳалари учун кадрлар тайёрлашга салмоқли ҳисса қўшди. Утган даврда 100 нафардан ортиқ академик ва 2,5 минг нафар фан докторлари ва номзодлари тайёрланди. Т.Саримсоқов, С.Сирожиддинов, М.Салоҳиддиновнинг математиклар, Ж.Мусаевнинг биокимёгарлар, Ҳ.Абдуллаев, Т.Долимовнинг геологлар мактаблари кенг эътироф этилди. Ўзбекистон Қаҳрамонлари А.Орипов, Э.Воҳидов, О.Шарафиддинов ва С.Фаниева университетда таълим-тарбия олдилар.

Ўқув жараёни замонавий талаблар ҳисобга олинган ҳолда мутахассислар тайёрлашнинг, шунингдек, педагог кадрларни қайта тай-

ёрлаш ва малакасини оширишнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари билан янгиланди. Олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг янги икки босқичли тизими жорий этилди. Сўнгги 10 йилда турли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича 26 мингдан ортиқ малакали битирувчилар университет дипломини олдилар.

Ҳозирги вақтда 114 та, шу жумладан, 18 та халқаро илмий ва илмий-таълим лойиҳалари амалга оширилмоқда, уларда университетнинг 50,0 фоиздан ортиқ ўқитувчилари иштирок этмоқда. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб "геодезия ва геоинформатика" йўналиши бўйича Қозон федерал университети (Россия Федерацияси) ва "компьютер фанлари", "муҳандислик математикаси", "технологик менежмент" йўналишлари бўйича Холон технологиялар институти (Исроил) билан қўшма

таълим дастурлари амалга оширилмоқда. Жаҳоннинг етакчи университетларида 226 нафар ўқитувчи ва докторантларнинг тажриба ортириши, малака ошириши ва илмий тадқиқотлар олиб бориши таъминланмоқда.

Университетнинг моддий-техника базасини модернизациялаш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2 та янги факультет очилди, янги лаборатория усуналари билан жиҳозланган ўқув-лаборатория корпуслари реконструкция қилинди. Профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш 2,5 баравар оширилди.

Давлат томонидан қўрилатган ҳар томонлама ёрдам ва қўллаб-қувватлаш университет фаолиятида фақат "... ижодий ва тизимли фикрлайдиган, ностандарт қарорлар қабул қилишга қодир бўлган, мамлакат манфаатини ҳамма нарсдан устун қўя-

диган юқори малакали мутахассислар..." тайёрлашгагина эмас, балки қобилиятли ва истеъдодли талаба-ёшларнинг тарбиясига ҳам сўзсиз қўмаклашмоқда.

Бугунги кунда университет талабаларининг 73,0 фоизини Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг барча 12 вилоятларидан келган талабалар ташкил этади. Улар орасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари, номли стипендиатлар, фанлар бўйича халқаро ва республика олимпиадалари совриндорлари, спорт турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиблари бор. С.Сирожиддинов номидаги академик лицей битирувчиларининг 87,0 фоизидан ортиги республика олий таълим муассасаларига муваффақиятли кирдилар ва ўқишни давом эттирмоқдалар.

Шу билан бирга танқидий ва ҳар томонлама таҳлилларда юқори малакали кадрлар тай-

ёрлаш, илмий ва кўп қиррали инсон капиталини ривожлантириш соҳасида жиддий тўғанок ва тўсиқ бўлаётган комплекс камчиликлар ва муаммолар аниқланди. Кейинги йилларда университетнинг Миллий университет макомига муносиб бўлиши учун амалий ва самарали чора-тадбирлар таъминланди. Шу жумладан:

Биринчидан — ҳар бир факультет ва кафедра бўйича таълимнинг йўналишлари ва мутахассисликлари таркиби, шунингдек қабул квоталари реал эҳтиёждан анча орқада қолмоқда, кўпинча ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига, меҳнат бозори ва кадрларнинг буюртмачилари эҳтиёжларига мос келмайди. Битирувчиларнинг ишга жойлаштирилиши ҳамма вақт ҳам эгаланган мутахассисликка мувофиқ эмас.

2-бет →

Қўшма йиғилиш

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗМТДП ФРАКЦИЯСИГА РАҲБАР САЙЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси ҳамда партия Ижроия қўмитаси аъзоларининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия фракцияси раҳбарини сайлаш, фракция раҳбари номзодини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимига кўрсатиш ҳамда фракция раҳбари ўринбосарини белгилаш каби масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишни ЎзМТДП фракция аъзоси Азамат Пардаев олиб борди.

Қўшма йиғилиш иштирокчилари фракция аъзоси А.Пардаевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги "Миллий тикланиш" ДП фракцияси раҳбарини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан ахборотини тинглади.

3-бет →



Муносабат

АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХИЗМАТИ

фаолияти янада такомиллашди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайлов-олди Платформасида камол топиб келаётган авлодни китобга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотларига қизиқишни кучайтириш, маънавий юксалишга қўмаклашадиган маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш белгиланган. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида партия Марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, ҳудудий партия ташкилотлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси юзасидан 14 та Ахборот-кутубхона маркази ҳамда олий ва ўрта таълим муассасаларига қарашли 1 минг 500га яқин Ахборот-ресурс маркази (АРМ) фаолияти ўрганилди, муаммолар аниқланиб, тақлифлар ишлаб чиқилди.

Ўрганишлар жараёнида АРМларнинг 64 таси ижара асосида фаолият кўрсатаётгани, 194 таси ўқув залига эга эмаслиги, 262 таси алоҳида бинога муҳтожлиги аниқланди. Шунингдек, 157 АРМнинг китоб сақлаш режими талабга жавоб бермайди, 342 таси эса Интернет тармоғига уланмаган.

Тошкент вилоятидаги "Турон" ахборот-кутубхона маркази маърифат-парвар Абдулла Авлоний ташаббуси билан бир аср олдин ташкил этилган. Сўнгги йигирма йилда марказ манзили тўрт марта ўзгарган.

3-бет →

Шарқ фалсафаси

РАНГЛАР БИЛАН ТИЛЛАШГАН МУСАВВИР

Ўзбекистон халқ рассоми, монументал деворий расмларнинг моҳир устаси Чингиз Аҳмаровнинг номини эшитмаган, унинг бетакрор ижод намуналарини билмаган тасвирий санъат ихлосманди бўлмаса керак. Ўзбекистон тасвирий санъатида миниатюрага хос ажойиб ранг-тасвир ҳамоҳанглигини яратиб, миллий санъатимизнинг ривожига улкан ҳисса қўшган бу буюк рассомнинг ижодий йўли ва санъат мактаби мавжуд.



...Чингиз Аҳмаров 1912 йилда Россиянинг Троицк шаҳрида туғилган. Давр тақозоси билан уларнинг оиласи Ўзбекистонга кўчиб келади. У ёшлик йилларидаёқ Қарши, Самарқанд шаҳарларидаги шарқона меъморчилик обидалари амалий санъат сирлари билан астойдил танишди. Ва шу пайтдан бошлаб Чингиз Аҳмаровда ўзбек халқининг тарихи ва аънавий санъат меросига қизиқиш уйғонади. У буюк бобомиз Алишер Навоий асарларини ўрганар экан, ўзбек миллий адабиётига, шеърятига маҳлиё бўлади. Гўзаллик сирларини қидириш мусаввирни Навоий ижодига янада яқинлаштирди. Чингиз Аҳмаров "Хамса" асарлари қаҳрамонларини бўёқларда жонлантиришга киришар экан, ҳар бир образ

устиди қайта-қайта меҳнат қилиб тўлақонли ва гўзал сиймоларни акс эттиришга муяссар бўлади.

Ижодкорнинг ўзбек аёллари образи яратилган туркум асарлари, тарихий, замондошлар сиймоси акс этган, турли касб эгаларининг портретлари ўзига хослиги билан ажралиб туради.

1945 йилда яратилган "Ширин портрети" да ана шундай бетакрорликни кўрамиз. У Ўзбекистон давлат санъат музейи коллекциясининг энг нодир намуналаридан ҳисобланади. Шириннинг шарқона чехраси, либослари, ҳатто хатти-ҳаракатидаги ҳолатлар бир-бири билан уйғунлашиб, ўта маҳорат билан тасвирланган. Бу портретда боши бироз эгилган, нозик қарашлари билан эшик ёнида турган Шириннинг ҳолати акс эттирилган. Асарда Ширин эғнида билан қисмидан пастки томонга қараб кенгайиб борган оқ кўйлак, устиди оч яшил рангли камзул, бошида сариқ, қизил рангли кашта гуллари билан безатилган пешонабанд, елкалари узра ёйилган оқ ҳарир матода тасвирланган.

5-бет →

Бугуннинг гапи

БАХТ — ЭЗГУЛИҚДА, НАЖОТ — ПОКЛИҚДА

ёки бола сотиш бизга аслида оғр эмасми?

"Фуқаро Ш.Н. 6 ёшли фарзандини фуқаро Г.М.га 15 миллион сўмга сотаётган вақтида ашъвий далиллар билан ушланди..."

"Самарқандлик 25 ёшли аёл икки ойлик ўғлини Тошкентда 8 минг долларга сотишга уринаётганида қўлга олинди..."

"Кармана туманида Ф.А. исмли аёл 14 кунлик фарзандини 5 миллион сўм эвазига фуқаро Д.Ж.га сотаётган вақтида ҳибсга олинди..."

"Фаргона вилоятида яшовчи фуқаро Д.Б. бир ҳафталик чақалоғини 3 ярим миллион сўмга сотаётганда ушланди..."

Хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан оммавий ахборот воситалари орқали берилётган бундай маълумотларга тез-тез кўзимиз тушадиган бўлиб қолди. Демак, бу рўйхат давом этаркан, муаммонинг оқибатлари эмас, сабабларини ўрганиш тақозо этиляпти...

Ҳар гал шундай маълумотларни ўқисам, юрагим чилпарчин бўлади, туйқус: "ҳали ушланмаганлари қанча бўлса?", деган ўй кечади. Оғрикли саволлар чор гирдимни чирмаб олади: нега ўзбек аёллари бундай ишга қўл урмоқда? Икки дунё орасида туриб, жонидан жон дунёга келтирадиган аёлларимизни бунга нима мажбур қилмоқда?

4-бет →

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига ШАРҲ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети мамлакатимизда кўп йиллик педагогик ва илм-фан соҳасидаги бой анъаналарга эга бўлган йирик олий таълим муассасасидир. Университет ҳар йили иқтисодийнинг турли тармоқларини, таълим ва фан соҳаларини ўз битирувчилари билан таъминламоқда, шунингдек, илмий-тадқиқотлар ва изланишлар билан, шу жумладан халқаро миқёсда ҳам фаол шугулланиб келмоқда. Ҳозирги пайтда 114 та, шу жумладан, 18 та халқаро илмий ва илмий-ўқув лойиҳалари амалга оширилмоқда. Университетнинг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустақамлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи оширилди.

Шу билан бирга, қарорда қайд этилганидек, танқидий ва ҳар томонлама таҳлилларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фанни ва серқирра иқтидор соҳиби бўлган инсон капиталини ривожлантиришга жиддий тўсиқ бўлаётган бир қанча муаммолар ва нуқсонлар аниқланди. Кейинги йилларда университетнинг Миллий университет мақомини қарор топтириш учун амалий ва самарали чора-тадбирлар таъминланмаган.

Жумладан, таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг таркиби ҳамда қабул кўрсаткичлари кадрларга бўлган реал талабдан сезиларли даражада орқада қолмоқда, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш даражаси, айрим педагог-кадрларнинг касбий маҳорати, малака ошириш курсларининг самарадорлиги пастлигича қолмоқда.

Қарорда университетнинг нуфузли халқаро агентликлар рейтингига киритилмаганлигига, ёшларнинг илмга бўлган қизиқишини рағбатлантириш даражаси пастлигига алоҳида эътибор қаратилган. Таълим жараёни ва илмий-тадқиқот фаолиятининг моддий-техника таъминотида жиддий камчиликлар мавжуд.

Юзага келган ҳолатдан ҳамда университетнинг

мамлакат олий таълими соҳасида тутган ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда қарорда бугунги кунда талаб юқори бўлган йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, юқори технологияларга асосланган ва истиқболли йўналишлардаги илмий тадқиқотларни жадал амалга ошириш, шунингдек, профессор-ўқитувчиларнинг касбий билимлари ва педагогик маҳоратини муттасил ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар назарда тутилган.

Қайд этиш лозимки, қарорнинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2019 йил 24 майда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим муассасалари ректорлари ва республика илмий жамоатчилиги билан бўлиб ўтган учрашувда белгилаб берилган эди. Учрашув якуни раис асосида қарорда “... инсон капиталини ҳар томонлама ривожлантириш, кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал, илмий ва иқтисодий қудратини, шунингдек, рағбат ва мустақиллигини таъминлашга қодир бўлган халқаро стандартлар даражасида мутахассисларни тайёрлаш учун зарур ва қулай шарт-шароитлар яратиш...” бўйича кўп қиррали ва устувор вазифаларни амалга ошириш университет раҳбарияти ва бутун жамоасининг асосий мақсади этиб белгиланган.

Юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш, шунингдек, университетнинг Ўзбекистон Республикасида олий таълим байроқдори сифатидаги нуфузини тиклашнинг мустақам пойдевори, таъсирчан механизми ва кафолати сифатида 9 та компонентдан иборат мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Қарорда университетнинг янги таълим моделини шакллантиришнинг устувор йўналиши сифатидаги вазифани ҳал этиш учун ўқув, ўқув-ме-

тодик, илмий-инновацион, тарбиявий ва ташкилий фаолият бўйича самарали индикаторлар ва кўрсаткичларни ишлаб чиққан ҳолда раҳбарлар ва профессор-ўқитувчилар таркиби фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида университет замонавий жамиятнинг илмий, ишлаб чиқариш, ижтимоий, маънавий-ахлоқий талабларига жавоб берадиган, олий таълим инновацион моделини шакллантиришнинг самарали майдони бўлиши, шунингдек, республика олий таълим тизимида етакчи ўрнини сақлаб қолиши лозим. Ушбу мақсадларда қарорда:

биринчидан – 2019-2021 йилларда таълим йўналишларида табиий фанлар, математик таълим, компьютер технологиялари ва информатика йўналишлари улушини ошириш; иккинчидан – Ўзбекистон – Исроил факультетини, шунингдек, “Амалий математика ва интеллектуал технологиялар”, “Биофизика ва муҳандислик тадқиқотлари”, “Фундаментал тиббиёт ва биохимия” факультетларини босқичма-босқич очиб назарда тутилмоқда;

учинчидан – С.Сирожиiddин номидаги академик лицейга табиий ва аниқ фанларга ихтисослаштирилган Республика академик лицейи мақоми берилди ҳамда уни университетда ўқитиш учун иқтидорли ва истеъдодли болаларни танлаб олиш ва тайёрлаш, бўлуси илмий-педагоглар элитасини шакллантириш маркази сифатида ташкил этиш вазифаси кўйилмоқда;

тўртинчидан – Университет тизимсида Интеллектуал-дастурий тизимлар илмий-амалий марказини ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Жаҳоннинг етакчи университетлари тажрибаси ва анъаналаридан келиб чиқиб, таълим сифатини ошириш ҳамда халқаро таълим маконига интеграциялаш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб иккита факультетда, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб эса университет миқёсида таълимни

ташкил этишнинг кредит-модул тизимини жорий қилиш назарда тутилмоқда.

Халқаро миқёсда етакчилик ва рақобатбардошликни таъминлашнинг зарур шарт сифатида қарорда фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш вазифаси кўйилмоқда. Ушбу мақсадларда ҳар йили илмий салоҳиятни ошириш учун университет докторантурасига ҳар йиллик қабул квотасини ва ҳориждаги мақсадли докторантурага қабул квотасини кўпайтириш назарда тутилмоқда. Бунда таълим жараёнига юқори малакали хорижлик ўқитувчилар ва мутахассисларни кенг жалб қилиш режалаштирилмоқда.

Қарорда унинг инфратузилмасини ва ички телекоммуникация тизимини тубдан янгилашга доир чора-тадбирлар комплексини назарда тутилмоқда. Университет 2020 йилнинг ўзида қуввати 600 Мб/сек бўлган кўп тармоқли интернет тизимига уланиши таъминланди. Университет худуди ва қўшимча майдонлари “Wi-Fi” зонаси билан таъминланди.

2020-2023 йиллар мобайнида талабалар турар жойларида капитал таъмирлаш (реконструкция) ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилади, университетнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва ёш тадқиқотчилар учун 6 та кўп квартирили уйлар ҳамда универсал спорт мажмуаси қурилади. Аниқ ва табиий фанлар факультетларининг ўқув-илмий лабораторияларини жиҳозлаш мақсадида университетнинг валюта ҳисобрақамига 6,0 миллион АҚШ доллари ўтказилди.

2019 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобига фан ва таълим соҳасидаги барча давлат ташкилотларида илмий-педагогик ва меҳнат фаолиятини олиб бораётган фан номзоди еки философия фанлари доктори (PhD) даражасига эга бўлган ходимларнинг ойлик маошига 30 фоизгача, фан доктори (Doctor of Science) даражасига эга бўлган ходимларнинг ойлик маошига 60 фоизгача устама ҳақ белгиланди. Бунда қўшимча

ҳақ бир ходимнинг илмий-педагогик ва меҳнат фаолиятига қўшган аниқ ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда таркибий бўлими раҳбарининг тақдимномаси асосида ва муассаса (ташкilot) коллегиял органининг қарорига кўра тўланади.

Қарорда талабаларга юксак ахлоқий ва маънавий сифатларни қарор топтиришга, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда янги педагогик инновациялар ва самарали механизмларни татбиқ этишга, талабалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларда профессор-ўқитувчиларнинг масъулиятини оширишга, таълим ва тарбиянинг ўзаро алоқадорлигини амалда таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу мақсадларда талабалар, айниқса, талабалар турар жойларида яшайдиган ва яшамайдиган талабалар билан мунтазам асосда фаол мулоқот олиб бориш амалиятини жорий этиш, уларнинг эҳтиёж ва талабларини тизимли равишда ўрганиш, талаба-ёшларнинг ўқув, илмий ва маънавий ҳаётидаги муаммолари масалаларни бартараф этиш бўйича аниқ чоралар кўриш университет ректори ва проректорларининг, деканатлар ҳамда кафедралар раҳбарларининг, барча профессор-ўқитувчилар таркибининг устувор вазифаси этиб белгиланган.

Қарорнинг амалга оширилиши Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети глобаллашув шароитларида мамлакатимизнинг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган янги технологияларни ишлаб чиқиш базаси бўлиши имконини беради. Жаҳон фани тараққиёти суръати талабларига жавоб бера оладиган тадқиқотларни амалга оширишга йўналтирилган илмий кадрлар тайёрлаш тизимига жорий этилаётган инновациялар университетнинг олий таълим тизимида етакчи макени эгаллашга имкон беради ҳамда мамлакатнинг илмий, илмий-техникавий ва интеллектуал соҳалари ривожланишига кўмаклашади.

Кўшма йиғилиш

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗМТДП ФРАКЦИЯСИГА РАҲБАР САЙЛАНДИ



Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Конституциявий қонуни, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонунда белгиланган нормалардан келиб чиқиб, шунингдек, партия Дастури, сайловолди Платформасида белгиланган устувор мақсад ва вазифалар, партия сиебатини тўлақонли таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎЗМТДП фракцияси раҳбарини сайлаш лозимлиги қайд этилди.

Кун тартибидеги масала “Миллий тикланиш” ДП фракцияси муҳокамасига кирипти. Партия Марказий кенгаши Ибройя кўмитаси томонидан “Миллий тикланиш” ДП фракцияси раҳбари лавозимига партия Марказий кенгаши раиси, қуйи палата Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар масалалари кўмитаси аъзоси

Алишер Қодиров номзоди таклиф этилди. Йиғилиш иштирокчилари тавсия этилаётган номзоднинг таржimai ҳоли билан таништирилди. Номзоднинг фаолияти, шахсий ва профессионал фазилатлари юзасидан фракция аъзолари Алишер Ҳамроев, Азамат Зиё ва бошқалар сўзга чиқиб, фикрларини баён этди.

Жумладан, фракция аъзоси А.Зиё партия фракцияси раҳбарлиги масъулиятини тўғрисида тўхталиб, А.Қодировнинг “Миллий тикланиш” ДП ва унинг қуйи палатадаги фракциясининг қонун ижодкорлиги фаолиятида амалга оширган ишлари, ташаббусларини юқори баҳолади. Айнан ана шу хусусиятлар унинг келгусида партия ва фракция фаолиятини янада такомиллаштириш, бугунги кун талаблари даражасида ишлашини таъминлашга ишонч билдириб, унинг номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Шунингдек, партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари, фракция аъзоси А.Ҳамроев тавсия этилган номзодни тўла қўллаб-қувватлашини ҳамда партия фаолияти ва фракция ишини ташкил этиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Хусусан, у фракция раҳбарлигига А.Қодировнинг номзоди кўрсатилишини энг тўғри қарор сифатида баҳолаб, фракциянинг мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиши зарурлиги, бунда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган устувор йўналишлар ижросини таъминлашда партия ҳамда фракция олдида турган муҳим вазифаларга тўхталди.

Йиғилишда ЎЗМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари лавозимига партия Марказий кенгаши раиси Алишер Қодировнинг номзоди овозга қўйилди. Қўшма йиғилиш иштирокчилари бир овоздан унинг номзодини маъқуладди.

Йиғилишда фракция раҳбари номзодини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимига кўрсатиш масаласи ҳам кўриб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг янги мажлисида ушбу лавозимга А.Қодировнинг номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Кун тартибидеги учинчи масала — Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси раҳбари ўринбосарини белгилаш юзасидан фракция раҳбари А.Қодиров маълумот берди.

Таъкидланганидек, фракция фаолиятини самарали ташкил этиш, қонун ижодкорлиги фаолиятини сифат ва сон жиҳатдан янада такомиллаштириш жараёнида фракция раҳбари ўринбосари кўмаги зарур бўлади. Фракция раҳбари А.Қодиров Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси раҳбари ўринбосарини белгилаб олиш зарурлигини қайд этиб, унга фракция аъзоси А.Пардаев номзодини тавсия қилди. Таклиф бир овоздан маъқуланди.

Йиғилиш якунида кун тартибидеги барча масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Р.МАҲМУДОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Муносабат

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Кутубхона вилоятдаги мавжуд 102 та ахборот-ресурс маркази билан алоқа ўрнатиб, фойлат кўрсатиши лозим эди. Амалда эса бунинг акси бўлган. Одий талабларга

АХБОРОТ-КУТУБХОНА ХИЗМАТИ

фоолияти янада такомиллашади

жавоб бермагани сабаб, китобхона сони йилдан йилга камайиб борапти. 2016 йилда ушбу кўрсаткич 10 мингдан зиёдроқни ташкил этган бўлса, кейинги икки йилда 5 минг 512 нафарга тушиб қолди. Вилоятда салкам 3 миллион аҳоли истиқомат қилиши инobatга олинса, бу рақам ниҳоятда камлиги яқол намоён бўлади.

Партия ташкилотлари томонидан Самарқанд вилоятдаги 195 та АРМ фаолияти ўрганилганда уларнинг 157 таси ўз балансидаги бинода, 38 таси эса ижара асосида фаолият кўрсатаётгани маълум бўлди. Биноларнинг дярли барчаси таъмирга муҳтож, ўқув залига эга эмас. Китоб билан таъминлаш даражаси ҳам талабга жавоб бермайди. Вилоят бўйича 30 та АРМ компьютер билан таъминланмаган. Борлари ҳам эскирган.

Бундай муассасалар жойлашган ҳудуд аҳолиси билан суҳбатлашилганда кўпчилик “Ахборот-ресурс марказлари таълим масканларида жойлашгани учун ундан фавқат ўқувчилар фойдаланиши мумкин, ташқаридан эса ҳеч ким киритилмайди”, деган фикрини айтишди. Шунингдек, аҳоли томонидан туман марказида барча шароитга эга кутубхоналар ташкил этиш ва уларни янги адабиёт, кундалик босма нашрлар билан бойитиш, ахборот технологиялари билан жиҳозлаш таклифлари билдирилди. Аниқланган муаммо ва камчиликлар барча вилоятга хос, демак мулобага бўлмайди. Яъни, уларнинг аксарияти бугунги кун талабига жавоб бермайди. Моддий-техник таъминоти қониқарсиз, ахборот технологиялари билан тўла таъминланмаган. Бинолари таъмирталаб, ўқув хоналари тор, офис мебеллари эскирган. Интернет тармоғига уланмаган. Малакали мутахассислар йўқ, янги адабиётлар билан таъминлаш даражаси ҳам қониқарсиз. Китоб фондини бойитиш ишларига ҳам етарли даражада маблағ ажратилмаган. Назорат-таҳлил натижалари тегишли идораларга тақдим қилиниб, бир неча бор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан муҳокама қилинди, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Ҳўш, шундай шарт-шароитда аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлаш, китобхоналикни кенг тарғиб қилиш борасида белгиланган мақсадларга эришиб бўладими, бу йўналишда қилинаётган сўй-ҳаракатлар қутилган самарани берадими? Албатта, йўқ.

Шу йилнинг 7 июнь кунини “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент қарори айна шу мақсад, яъни соҳадаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қарор юқорида кўрсатиб ўтилган масалаларни тез,

самарали ечишга ҳуқуқий асос яратиши билан бирга, китобхоналарга хизмат кўрсатиш, фондларни тўлдириш ва сақлаш, кутубхоналар ишини автоматлаштириш, илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий фаолиятини яхшилаш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда

рағбатлантириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги тизимли ишларни янги босқичга кўтариш.

Қарорда умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари қошида фаолият кўрсатаётган ахборот-ресурс марказлари фаолияти тугатилиши кўрсатилиб, аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатдан янада яхшилаш мақсадида туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказлари ташкил қилиниши белгиланди.

2019-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш концепцияси, ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Миллий кутубхона қошида 186 та туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказлари ташкил этилади. Тугатилмаган ахборот-ресурс марказларининг китоб фонди ва штат бирликлари янгидан ташкил қилинаётган Ахборот-кутубхона марказлари икти-ёрига берилди. Шунингдек, қарорда Ахборот-кутубхона марказларининг асосий вазифалари белгиланди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш бўйича манфа-атдор вазирлик ва идораларнинг асосий вазифлари белгиланди, топшириқлар берилди. Икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш вазифаси юклатилди.

Яна бир муҳим янглик шундан иборатки, ҳар йили 21 май — Кутубхоначилар кунини сифатида нишонланади. Кутубхоначилар эндиликда кўп йиллик ҳалол меҳнати ва ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун давлат мукофотлари билан тақдирланади ва рағбатлантирилиб борилади.

“Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишини янада такомиллаштириш тўғрисида” Президент қарори ОЗМТДПнинг мақсад ва вазифалари, сайловолди Платформаси билан ҳамоҳанг ва уйғун. Партия фаоллари ва депутатлар ушбу қарор ижроси самарали таъминланишига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилади.



Дониёр ТОШБОВЕВ,
ЎЗМТДП Марказий кенгаши бўлим бошлиғи

Бугуннинг гапи

БАХТ — ЭЗГУЛИКДА, НАЖОТ — ПОКЛИКДА

ёки бола сотиш бизга аслида ор эмасми?

«Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Ҳаётнинг паст-баланди — моддий етишмовчилик, оиладаги маънавий нотенглик, ичкилик, гиёҳвандликка ружу қўйиш, йигит ёки қизнинг ҳаётга тайёр эмаслиги ё ҳалол меҳнатга нисбатан бепасанд муносабат, енгил-елпи ҳаёт кечиришга интилиш? Умуман олганда, бундай ишга қўл ураётган аёлларнинг бошида эри борми-йўқми?

Эри бўлмаса, отаси, ака-укаси, тоғаси-ю амакиси бордир? Бор бўлса, улар нега гўдак фарзандини арзимаган пулга сотиб юборишига жим қараб турибди?.. Нега? Нима учун? Қайси тамойилу, қайси урф-одатимизга кўра?.. Ахир, биз ор-номусни барча нарсадан устун қўядиган халқимиз-ку?!

Ўйлаб қолсан киши: бундай иллатлар бугун ҳаётимизга қаердан кириб келмоқда? Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудий айтганидек: «Хозирги ҳолимизга давом этсак, дин ва дунёга зиллат ва мискинатдан бошқа насибамиз бўлмайду».

Бу борада нима қилмоқ керак, муаммонинг ечимини қаердан излаш лозим?

Нима бўлганда ҳам бир нарса аниқ: ҳар бир инсон оилада камолга етади. Демак, унинг келажакда қандай инсон бўлиб етишиши шу оиладаги муҳитга ҳар жиҳатдан боғлиқ.

Асрлар давомида шаклланган гўзал қадриятларимиз бор.

...Оилада ўғил фарзанд воёга етса, унга оиладаги эрдик, оталик вазифаси, рўзгор қиритиш илми жиддий ўргатилади. Йигитларимизни ориятли, ҳамиятли қилиб тарбиялашга, маънавияти, одоби билан ўрнатилган қилиб ўстиришга эътибор қаратамиз.

...Қизи бор уйнинг файзу фаршаси бўлади. Бундан фахрланамиз. Негаки, оиламизда навиҳоддек малаикалар камолга етмоқда. Келажакимиз давомчиси қизларимизни оқ ювиб, оқ тараб, ҳеч кимдан кам қилмай тарбиялаймиз, кўз қорачиғидек асраб-авайлаймиз, ўқитамиз, касб-хунарли қиламиз. Гоҳо меҳр-муҳаббатимизни ошқора намоён этмасак-да, унинг бахту иқболи йўлида ҳамма нарсага тайёр турамыз.

Ҳар бир ота-онанинг, бобою бувининг дилидаги истаклари ҳам шу. Бунга қўшилмасликнинг асло иложи йўқ.

Ва, энг муҳими, қадриятларимизда қиз тарбиясида сергак турилади. Ёшлигидан одобга ўргатилади. Қиз пазанда бўлиши, тозаллики қадрлаши, бичиштики ишларидан бохабар бўлиши талаб қилинади. Қизлар илмда пешқадим бўлишлари ҳам ёқланган. Ҳам маънан, ҳам ақлан.

Сирасини айтганда, отасидан бироз тортинувчи, қўзларга тик боқмайди, одобу ахлоқда бе-назир қизлар миллат кўркидир, аслида!

Хўш, у ҳолда барбод бўлаётган оилалар, боши қотган эркак, сарсон-саргардон аёллар... қаердан пайдо бўлаётди? Бу муаммо кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас-ку?! Нега табиат ато қилган неймат — зурриёдни сотишдан айримлар ор қилмапти? «Боқиб қий-налдим», «Менга пул зарур эди» ва бошқа баҳоналар қулоққа чалинади...

— Шу ўринда аччиқ бир ҳаётий ҳақиқат: инсон маънавиятида ўз изини қолдираётган бугунги ахборот асрида оила қадриятларига, ўзаро муносабатлар, бурч, садоқат, меҳр-оқибат каби гўзал тушунчаларга пугур етаётгани, никоҳга бепасанд муносабат юзага келётганини ҳеч биримиз инкор эта олмаемиз, — дейди



«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази эксперти Шаҳзода Пўлатова. — Оилавий ажримлар фарзандларнинг кўнгли кемтик, ҳаётдан аламзада бўлиб воёга етиши ёки зарарли одатларга ружу қўйиши, жиноят кўчасига киришига сабаб бўлаётгани ҳақида қанча бонг урилмасин, оила муқаддаслиги, шаъни, обрўйи, анъана ва қадриятларига ҳурмат ҳисси саёзлашиб бораётгани ачинарлидир.

Оналик — улуг рутба, фарзанд ҳаётимиз чироғи, деймиз. Аммо ўз боласини арзимаган пулга сотишга уринаётган аёллар тўғрисида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқларда хабарларга кўп дуч келямиз. Бу қилмиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми «а» банди, яъни ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбондорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган одам савдоси, деб малакаланади. Бундай жиноий ҳаракатлар саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин. Назаримизда ўз фарзандини пуллашга туртки бўлувчи асосий сабаблардан бири, никоҳсиз туғилган болалардир. Маҳалла, жамият олдида шарманда бўлишдан қўрқиб, ёш оналар янги туғилган чақалоқдан қутулиш мақсадида, уни сотиб юборишга тайёр бўлади.

Лекин жиноятга жазо қўллашдан мақсад — жиноятчининг қилмишидан пушаймон бўлиши, хатосини тушуниши, уни қайта тақрорламаслигидир. Шундай экан, бундай оналарга биринчи навбатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, тиббиёт ходимлари, қўни-қўшинлар, яқин қариндошлар ёрдам беришлари зарур. Агар аёл юз берган вазиятдан қандай чиқиб кетиш йўлини топа олмаса, бундай ҳолларда унга зарур психологик, тиббий ёрдам кўрсатиши, тиббий ёрдам кўрсатиши, мураббий бириктириш лозим. Фарзанд тарбияси билан машғул онага моддий ёрдам кўрсатиш, унга оилавий тадбиркорлик, касаначилик асосларини ўргатиш, имтиёзли кредит ажратиш бундай жиноятларнинг олдини олишга кўмаклашади, деб ишонамиз.

Тўғри, инсон ҳаётда билиб-билмай хатога йўл қўйиши, ҳуқуқбузарлик содир этиши мумкин. Уларни тўғри йўлга солиш ҳам аслида муҳим иш. Лекин афсуски, олдиндан режалаштирган ҳолда, даромад топиш ниятида фарзандини товар сифатида сотиш пайда юрган ота-оналар ҳам оз эмас. Ёш ота-оналарда миллий қадриятларимизга хос маъсулият ҳиссини янада кучайтириш ҳамда оилани олдиндан режалаштириш кўникмаларини ҳосил қилишимиз бундай ил-

латларнинг қамаишида муҳим аҳамиятга эга.

— Фарзанд Аллоҳ берган энг буюк неъматлардандир. Бола-жонлик ва боласининг бахту етиши ёки зарарли одатларга ружу қўйиши, жиноят кўчасига киришига сабаб бўлаётгани ҳақида қанча бонг урилмасин, оила муқаддаслиги, шаъни, обрўйи, анъана ва қадриятларига ҳурмат ҳисси саёзлашиб бораётгани ачинарлидир. — Шифокорлик касбини танлаганимга яқинда 30 йил бўлади. Баъзан ўз гўдагини сотаётган аёллар ҳақида ўқиб ёки эшитганимда йиллар мобайнида тирноққа зор бўлиб, фарзанд илинжида учрамаган шифокори қолмаган аёлларнинг нолиси кўз олдимдан ўтади. Мана шундай пайтда кўзида ёш билан маълум бир сабабларга кўра вақтидан илгари туғилган гўдагининг яшаб кетишини Яратгандан сўраётган аёллар ёдимга тушади. Ўша болафурушларга уларнинг ҳаётини мисол қилиб кўрсатгим, қолаверса, уларга бобо-буваларимиз гувоҳи бўлган Иккинчи жаҳон уруши даври аёллари ҳаётини кўз олдингизга келтиригим, турмуш шартининг оғирлигидан нолимай, барча қийинчиликларни сабр-қаноат билан енгиб ўтиб, бир умр одоб-ахлоқ чегарасидан чиқмай, муқаддас аёллик шаънига, ор-номусига доғ туширмай яшаган, қаҳатчилик бўлса ҳам одамларимиз инсонийликнинг маънавиятига, уни сотиб юборишга тайёр бўлади.

Албатта, жиноят жазосиз қолмайди. Аммо бундай иллатларнинг кўпайиши жамиятда турли салбий тушунчаларнинг авж олиши сабабчи бўлади. Шунингдек, ўсиб келатган ёш авлод онига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Улуг аллома Рудакийнинг «Қайси бир миллатни яқсон қилмоқчи бўлсангиз, уларнинг қизларини — бўлажак оналарини тарбиядан чиқаринг. Қайси бир миллатни юксалтирмоқчи бўлсангиз, унинг қизларини — бўлажак оналарини чиройли тарбияга, гўзал ахлоққа ўргатинг», деган фикри ҳам жамиятда аёлларнинг ўрни беқиёс эканлигини эслатиб туради.

Кейинги йилларда оилавий муносабатларни яхшилаш, низоли вазиятлар, ажралишлар, барвақт никоҳларнинг олдини олиш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси бўйича доимий иш олиб бориш ҳақида таҳсинга сазовор ҳолат ва бу албатта, ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, ўз ҳуқуқини билган инсон ҳеч қачон адашмайди, жамиятда ўз ўрнини топади, шу боис бу борада ёшлар билан мулоқот қилиш, улар қалбига қулоқ солиш катта аҳамиятга эга. Қолаверса, одам савдосининг олдини

мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони аёлларга фамхўрлик кўрсатишга оид ишларини замон руҳига ҳамоҳанг, кучли ижтимоий йўналтирилган, аниқ ва манзилли тарзда йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжатга кўра, ижтимоий мураккаб аҳволдаги аёлларга ҳар жиҳатдан кўмаклашиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқий, моддий-маънавий, психологик, тиббий ёрдам кўрсатишга доир ишлар мисли қўрилмаган даража ва кўламда олиб борилмоқда. Хотин-қизлар кўмитаси томонидан хонадон-хонадон юрилиб, аёлларни йўналтириётган долзарб масалаларни ўрганиш, уларга ўз вақтида аниқ, тезкор ва оқилона ечим топишнинг амалий механизми йўлга қўйилди. Бундай маъсулиятли жараёнда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан яқин ва узвий ҳамкорликда иш олиб борилётгани қутулган ижобий натижаларни бермоқда.

Мазкур йўналишдаги ишларни кучайтиришда бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш, такомиллаштириш ва бу борадаги сазй-ҳаракатлар моҳияти хотин-қизларимиз ор-номусли, оқила, ташаббускор ва фаол бўлиши ҳамда уларнинг ижтимоий жабҳаларда ўз мавқеига эгаллашига қаратилиши муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда аёллар жиноятчилигига қарши тадбирларни кучайтириш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Олиб борилган профилактик ишлар натижасида республика бўйича хотин-қизлар жиноятчилиги 2016 йилда 5 фоизга, 2017 йилда 11 фоизга ҳамда 2018 йилда 35,7 фоизга қайишишига эришилган.

— Оилалардаги маънавий муҳитни миллий қадриятларимиз асосида шакллантириш, оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидандир, — дейди Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Феруза Ибрагимова. — Ёшлар тарбияси борасида бевосита ёшларнинг ичига кириб бориб, уларнинг қувончу ташвишларини, тақлиф-муаммоларини яқиндан билган ва тўла ҳис қилган ҳолда иш олиб бориши, айниқса, уюлмаган ёшлар масаласига кўпроқ эътибор қаратиш зарурлигини даврнинг ўзи талаб қилмоқда.

Дарҳақиқат, ўз ҳуқуқини билган инсон ҳеч қачон адашмайди, жамиятда ўз ўрнини топади, шу боис бу борада ёшлар билан мулоқот қилиш, улар қалбига қулоқ солиш катта аҳамиятга эга. Қолаверса, одам савдосининг олдини

олишда тарғибот муҳим ўрин тутишини эътиборга олиб, бу борада содир этилаётган жиноятлар, унинг асл сабаб ва оқибати, унга қарши курашиш мақсадида олиб борилётган амалий ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсада мувофиқ, Яъни,

- оммавий ахборот воситалари, жумладан, телевидение ва интернет сайтларида бу салбий иллатнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омиллар, унга қарши кураш, билиб-билмай жиноятга қўл урган аёлларнинг ўз айбига иқроолиги акс эттирилган таъсирчан видеоролик ҳамда кўрсатувларни мунтазам намойиш этиш;

- таълим муассасалари, хусусан, коллеж, лицей ва олий таълим даргоҳларида доимий равишда ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларда одам савдоси, унга қонунда белгиланган жазо юзасидан маълумотлар бериб бориш;

- маҳаллалардаги ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор аёлларнинг доимий рўйхатини шакллантириш, ишсиз хотин-қизлар билан мунтазам мулоқот қилиш орқали худудда мавжуд бўш иш ўринлари билан таништириб бориш, улар ўртасида «Мен соғлом турмуш тарзи тарафдориман», «Фарзанд — ҳаётимиз гултожи» сингари мавзуларда суҳбатлар ташкил этиб, тегишли идора ва ташкилот мутасаддиларини бунга жалб қилиш;

- маҳалла идоралари, оилавий поликлиника ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида туғруқ ёшидаги оналар иштирокида мунтазам равишда учрашув ва тадбирлар ташкил этиш, унга мутахассисларни жалб қилган ҳолда аёллар ўртасида учраётган жиноят турлари, уларнинг сабаб ва оқибатлари ва қонунчиликда белгиланган жазо хусусида тушунча бериш;

- тиббиёт муассасалари вакилларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, айниқса, туғруқ-хоналарда фаолият юритувчи ходимлар ўртасида бола савдосига қарши курашиш юзасидан тарғибот ишларни олиб бориш;
- оилавий муносабатларни тўғри шакллантиришда, ҳар бир оила мустаҳкамлигини таъминлашда ҳамкорлик яхши самара бериши азалдан маълум, демак тегишли ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш, бундай иллатлар қамаишида яхши самара беради, деб ўйлаймиз.

...Халқимиз жуда болажон.

Оилада янги меҳмон, чақалоқ туғилса, биздан бахтли одам йўқ. Чақалоқ — Худонинг ота-онага берган ўта пок, нозикдан-нозик неъмат. Оилада фарзанд туғилиши қувончли воқеа бўлиши билан бирга ота-она зиммасига улкан маъсулият ҳам юклайди. Яъни, оилада ҳар бир кишининг ўз ўрни, бурч ва маъсулияти бор. Бош қомусимизда эътироф этилганидек, ота-оналар ўз фарзандларини воёга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар. Бинобарин, ҳар қандай ҳолатда ҳам фарзанд келажак, унинг кейинги тақдири биринчи ўринда туриши керак. Буни чуқур англаб, боласини рисоладагидек воёга етказганлар роҳатини кўради. Лекин орамизда бундай маъсулиятдан мусово одамлар ҳам йўқ эмас. Уларга айтар сўзимиз шуки, меҳр-муҳаббат, садоқат ва ҳурмат барқарор бўлган оилагина инсонга бахт, жамиятда наф келтиради. Аксинча эгри қаддам билан бошланган мустақил ҳаёт, ёлғон, хиёнат аралашган оила азоб-уқубат маконига айланади.


Танлаш имконияти ҳамма учун ҳаммиша мавжуд.

Дилфуза МАҲҚАМОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири


Танқиддан сўнг...

Газетамизнинг 24 апрель сониди «Фотобойнома» рукни астида «Миллионлар кўзи олдидаги «манзара»лар» сарлавҳали материал эълон қилинган эди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинганга қарийб 30 йил бўлаётган шу кунларда кўча-кўйда, идора ва ташкилотлар пештоқида битилган лавҳ ва эълонлар фикр-ғиж имловий хатоликлар билан ёзилаётгани танқид қилинганди.

“МИЛЛИОНЛАР КЎЗИ ОЛДИДАГИ “МАНЗАРА”ЛАР” ЎЗГАРДИМИ?



Кейинги ҳолат



Ушбу танқиддан сўнг орадан ўн кун ўтиб, айнан «Фотобойнома»да эълон қилинган манзиллар бўйича чиқиб, ўзгариш бўлган бўлмагани билан қизиқдик.

Қарангки, танқиддан сўнг катта кўча бўйидаги йўналтирувчи белги қайта ёзилиб, имло хатолари тузатилибди.

Аммо Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти худудда жойлашган «Асака банк»нинг Тошкент шўба филиалига қаршали жамғарма касса пештоқидаги ёзувлар янги кўринишда қайта ёзилган бўлса-да, аввалгидан-да кўп имловий хатоликлар билан «бойибди». Филиал ходимлари бир кунда неча марта шу эшикдан кириб чиқса-да, наҳотки, уларнинг назари ушбу хатоликларга тушмаса?! Ҳафсала етишмасмикан ёки эътибор камми ёхуд... саводимизнинг бори шуми?!

«Milliy tiklanish» мухбири
Сардор МУЛЛАЖОНОВ
олган суратлар

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

*Кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган
оммавий ахборот воситалари ходимларини,
соҳа фидойиларини, фахрийларини*

**27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари куни**

билан муборакбод этади.

Машаққатли ва масъулиятли
фаолиятингизда куч-қувват,
янги ижодий ютуқлар, оилавий
фаровонлик, кут-барака тилаймиз.

20 июнь — Жаҳон қочқинлар куни

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ОЛИЖАНОБЛИК ИФОДАСИ

ёхуд қочқинлар муаммосини ҳал этиш имкони борми?

Ўртаер денгизи. Сувда қутқарув қайиғининг бўлаклари ҳамда бола ва аёлларнинг жонсиз танаси... Улар — Европа қирғоқларига етиб боришга интилган, бироқ денгизда ҳаётига сўнги нуқта қўйилган африкалик қочқинлар.

Бу воқеани Халқаро миграция ташкилоти матбуот котиби дунёни ларзага солувчи “Ҳайқириқли ҳолат”, деб таърифлади. Афсуски сўнги йилларда бундай ҳайқириқлар тез-тез “янграмоқда”.



БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссариати бошқармаси (ҚОК) маълумотида кўра, 2018 йилнинг ўртасига келиб у ёки бу жойга бошпана излаб кўчиб ўтган мигрантлар сони 68,8 миллионни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2017 йилнинг декабрь ойига нисбатан 300 мингга кўпайган.

ҚОК маълумотида миграцион инқироз айна вақтда Бангладеш ва Ливанда пайдо бўлмоқда, дейилади. Айна пайтда ҳар уч муҳожирдан бири суриялик. Ватанини ташлаб чиқиб кетган сурияликларнинг аксарияти қисми Туркия (3,6 миллион), Ливан (968,1 минг) ва Иорданияда (667,2) яшамоқда. 514 мингдан ортиқ суриялик қочқинлар Германиядан бошпана топган.

2019 йилда Европадаги яшаш жойини ўзгартириши керак бўлган муҳожирлар сони 40 фоизга ўсиб, 1,4 миллион кишига етган. ҚОК маълумотида қўра, бу ўринда сўз 36 мамлакат фуқаролари ҳақида бормоқда.

“Welt am Sonntag” нашрида айтилишича, Евроиттифок ҳудудига киришга интилаган муҳожирларнинг аксарияти Германиядан бошпана олишни исташмоқда. Шундай бўлса-да, Германияга келган муҳожирлар сони сўнгги

пайтда сезиларли даражада (20 фоизга) камайди. Биринчи марта 2018 йилнинг дастлабки олти ойи давомида 81 минг 800 нафар муҳожир бошпана сўраб мурожаат қилган. 2017 йилнинг айна шу даврида уларнинг сони 101 мингдан сал кўпроқ эди. Ундан аввалги йили эса 387 минг 700дан зиёд бўлган. Европада ханузгача энг кўп қочқин Сурия мамлакатидан келмоқда.

Афғонистонлик қочқинлар сони ҳам 2,7 миллионга етди. Уларнинг фақат 1,4 миллионигагина Покистондан, яна 951 минг 100 киши Эрондан бошпана топган. Германияга эса Афғонистондан 116 минг 700 киши келган.

Жанубий Суданни 2,5 миллион киши тарк этган. Уларнинг 1,1 миллиони айна вақтда Угандада, 768 мингдан зиёди Судан ва 445 минг нафари Эфиопияда жон сақламоқда.

Дунёда уруш, таъқиб ва кўркув сабаб ҳар дақиқада 24 киши она Ватанини ташлаб кетмоқда. Кўчишга мажбур бўлганларни қочоқ ёки қочқин, деб атаймиз. 1951 йилда қабул қилинган қочоқлар мақоми ҳақидаги Конвенцияда бунга қуйидагича таъриф берилган: Қочоқ бу — ирқий, диний, фуқаролик, муайян ижтимоий гуруҳга тегишлилик ёки сиёсий

қарашлари белгисига кўра таъқиб қурбонига айланишнинг асосли хавфига дуч келган ҳолда ватанини ташлаб кетаётган шахс...

Ривожланган мамлакатларда қочқинларнинг 80 фоизи бошпана топган. Яъни, 48 та ривожланган давлатда 2,3 миллион қочқин истиқомат қилмоқда.

Қочқинларга ёрдам бериш тарихи Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европада кўчиб кетишга мажбур бўлган шахсларга кўмаклашиш мақсадида 1950 йил 14 декабрда БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссариати бошқармаси тузилишидан бошланган. Ушбу ташкилот Қочқинлар агентлиги номи билан ҳам машҳур. Шундан сўнг 1951 йил 28 июлда БМТнинг қочоқлар мақоми ҳақидаги Конвенцияси қабул қилинди. Ушбу Конвенция Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссариати бошқармаси фаолиятининг асосий ҳужжатига айланди.

1960 йилда Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссариати бошқармаси Африкани колониализациядан чиқариш жараёни натижасида юзага келган қочоқлар инқирозини бартараф этишда фаол иштирок этди. Кейинги йигирма йил давомида ҚОК Осиё ва Латин Америкасида мажбуран ватанини тарк этганлар инқирози оқибатлари билан курашди. Утган мингйиллик сўнгида Африкада қайта юзага келган вазият ҳамда Болқон уруши сабаб ортга қайтаётган фуқаролар билан боғлиқ Европадаги миграцион инқироз билан шуғулланди.

Нотинч мамлакатларда қочқинлар ва ички кўчиб юрвчилар ортиши билан уларга кўмаклашиш ҳажми ҳам ортиб боради. Миллионлаб одам, жумладан, болалар гуманитар ёрдамга муҳтож, бошпанадан маҳрум бўлганлар билан боғлиқ муаммолар ҳамон долзарблигича қолмоқда. Хусусан, 2010 йилдан буён 400 мингдан ортиқ суриялик қочқинлар ҳаётдан кўз юмди. Мамлакатнинг 6,3 миллион аҳолиси ватанини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди ва уларнинг деярли 4 миллион нафари кўшни давлатлардан бошпана топди.

Маълумотларга кўра, Суриянинг етиб бориш қийин ёки террористлар қўлига ўтган ҳудудларида 4,53 миллион одам гуманитар ёрдамга муҳтож. Мамлакатда мактабларга бориш 50 фоизга камайган, ўқув муассасаларининг тўртдан бир қисми уруш оқибатида зарар кўрган, бузилган ёки жамоавий бошпана сифатида фойдаланилмоқда. Шифоналарнинг ярмидан кўпи бутунлай вайрон бўлган ёки қаттиқ зарар кўрган. Сув таъминоти эса инқироз даражаси-

дан ҳам пасайиб кетган. 9,8 миллион нафар суриялик озиқ-овқат етишмаслигидан жабр чекмоқда ва ундан ҳам кўп аҳоли очликда кун кечирмоқда.

Туркия 2,9 миллион суриялик қочоқларни қабул қилди. Уларнинг кўпчилиги шаҳарларда, 260 минг нафари улар учун барпо этилган лагерларда яшайди. Миллиондан кўпи Ливанда ва 660 минг нафари Иорданияда рўйхатга олинган. Суриялик қочқинлар сони Ироқда ҳам ортиб бормоқда ва бу кўрсаткич айна вақтда 241 мингдан ошган. Шунингдек, ҚОК Мисрдаги 122 минг суриялик қочқинларга ёрдам қўлини чўзган.


БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссариати штаб-квартираси Женевада жойлашган, бироқ унинг 85 фоиз ходими бутун дунё бўйлаб миграция инқирозига учраган ҳудудларда фаолият юритади. Ушбу ташкилот 123 мамлакатда қарийб 55 миллион қочқинни ҳимоясига олган ва уларга бегараз кўмак бериб келмоқда.

Айна чоғда ҚОК хизматчилари асосан Осиё ва Африкадаги қочқинлар сони кўп бўлган мамлакатларда фаолият олиб бормоқда. Улар мураккаб ва хавfli шароитларда ишлашга мажбур, чунки қочоқлар кўп ҳолларда етиб бориш қийин ҳудудларда жойлашади. БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссариатининг йирик операциялари Афғонистон, Колумбия, Конго Демократик Республикаси, Мали, Покистон, Сурия, Иордания, Туркия ва Ироқ давлатларида амалга оширилган.

Дунё воқеаларини кузатиб, турли зиддиятлар аксарият ҳолларда тинч аҳолига қимматга тушаётганига гувоҳ бўласиз. Кимдир ана шундай нотинчликлардан қочиб уринса, кимдир уруш ўчоғига ўзини урмоқда. Буни Суриядаги террористик ҳаракатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу уруш сабабчилари, уни аланга олдираётганларга нисбатан ич-ичингиздан нафрат уйғонади. Энг ачинарлиси — улар орасида ватандошларимиз ҳам учрайди.

Бир қарашда ИШИД террорчиларига қўшилиб, уларнинг маслақдошига айлангандек кўринган бу фуқаролар, айнақса, аёллар ва норасида болалар аслида ҳам шундайми? Кимдир экстремистик гуруҳларга қўшилган эрига итоат қилиб, кимдир мўмай даромад эвазига алданиб ана шу уруш ўчоғига бориб қолганини ўзи ҳам билмай қолган.

Бу яқинда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев топшириғига биноан Яқин Шарқда-



ги қуролли можаролар ҳудудидан юртимизга қайтарилган, асосан аёллар ва болалардан иборат 156 нафар ватандошимиз мисолида яққол намоён бўлди.

Алдов оқибатида ўзга юртга бориб қолиб, оғир ҳаётий даврни бошидан ўтказган бу инсонларга ҳукуматимиз томонидан тиббий, психологик, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг тинч ҳаётга қайтиб, жамиятга мослашиши, таълим ва ижтимоий дастурларда иштирок этиши учун зарур шароит яратилмоқда, бошпана, иш билан таъминлаш бўйича амалий ишлар йўлга қўйилган.

“Меҳр” инсонпарварлик операцияси доирасида юртимизга қайтарилган бу фуқароларнинг тақдири бировларнинг қўлида, ҳаёти таҳликада эди. Энди улар тинч ва осойишта юртда яшамоқда ва бунинг қадрини англамоқда.

“Меҳр” инсонпарварлик операцияси давом этади. Ҳали алданиб қолган, экстремистик ғояларга кўр-кўрона эргашган ватандошларимизни юртимизга қайтариш ишлари уруш ўчоғларидан охириги ўзбекистонлик олиб келинмагунча тўхтатилмаслиги таъкидланмоқда. Бу ўзбекистоннинг энг янги тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни зарҳал саҳифалар билан янада бойитади, деб бемалол айтиш мумкин.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Рангин дунё

БАҲАЙБАТ ЎРГИМЧАК “ҚЎРИҚЛАЁТГАН” ГАЛЕРЕЯ



Канада миллий галереяси Оттавадаги энг машҳур музейлардан бири ҳисобланади. Унинг ойна ва гранит қопланган биноси таниқли архитектор Моше Сафди томонидан лойиҳалаштирилган ва 1988 йилда қурилган. Тўғри, кўпчиликни бинонинг ўзи ҳайратлантирмас-да, лекин галерея олдида турган 10 метр катталикдаги металл ўргимчак барчанинг эътиборини тортиши шубҳасиз.

Галерея 1880 йилда дастлаб Канада губернатори томонидан Олий суд биноларининг бирида яратилган. Кейинчалик у Викториа хотира музейи (ҳозирги Канада табиат музейи) га кўчирилди. 1985 йилда галереяга замонавий фотография музейи ҳам бириктирилган. 2000 йилда эса галерея биноси Канада қироллиги архитектура институти томонидан ўтган мингйилликдаги энг яхши 500 иншоот рўйхатига киритилди.

Галереяда жуда кўплаб замонавий санъат намуналари, жумладан, америкалик рассом, продюссер, ёзувчи,



коллекционер, поп-арт санъатидаги таниқли шахс Энди Уорхолнинг ишларини кўриш мумкин. Шунингдек, у ердан турли хил сурат, ҳайкаллар ва машҳур мусаввирларнинг ижод намуналари ҳам ўрин олган. Албатта, асосий эътибор Канада миллий ва замонавий санъатида қаратилган. Бироқ америкалик ва европалик рассомларнинг ишлари ҳам санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола қилинган. Галереяда Канаданинг туб аҳолиси — инуитларнинг амалий санъат ишлари жамланмаси ҳам ўрин олган.

Галереяда тарихда машҳур бўлган ва ҳозиргача ўз макъани йўқотмаган ижодкорларнинг ишларини ҳам кўриш мумкин. Улар орасида Пьеро ди Косимо (XV аср), Лукас Кранх (XIV аср), Рембрандт Ван Рийн (XVII аср), Оноре Домье (XIX аср), Рубенс (XVII аср), Огюст Роден (XIX аср) ва XX асрнинг машҳур мусаввирлари — Густав Климт, Фернан Леже, Рене Магритт, Анри Матисс, Пит Мондриан, Клод Моне, Пабло Пикассо, Камилл Писарро, Жексон Поллок, Винсент Ван Гог, Сальвадор Дали, Жорж Брак, Поль Сезанн, Марк Шагал



ижодига мансуб асарлар мавжуд.

Галерея коллекциясидаги энг улкан асар Муқаддас Бағомати юраги соборининг ажралмас қисми бўлган Ридо-стрит черковининг бутун бошли интерьерери ҳисобланади. Интерьер Жорж Куиульон томонидан 1887 йилда яратилган. 1972 йилда собор фаолияти тугатилганидан сўнг черков бўлақларга бўлинган ва сақлаш учун бу ерга олиб келинган. У 1988 йили галерея ичида қайта йиғилган.

Иншоот ёнида баҳайбат темир ўргимчакдан ташқари “Югураётган отлар” ҳайкали ҳам ўрнатилган. Бу санъат намунасининг муаллифи — канадалик ҳайкалтарош Жо Фарфард. Галерея ортидаги Непеан-Поинт ҳовузини америкалик ижодкор Роксис Пэйнинг “Юз фунтдаги чизиклар”и беэза турибди.

Галерея олдидаги баҳайбат темир ўргимчак — “Маман”ни 1999 йилда Луиза Буржуа яратган. Ўргимчакнинг ўлчамлари 10x10x10 метр ҳажмда бронза, зангламас пўлат ва мрамрдан ишланган. Бу дунёдаги шу турда яратилган улкан ҳайкаллар-



дан бири. Баҳайбат она ўргимчак санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотди ва шу боис деярли ярим дунёни айланиб чиққан. У Лондондаги “Тейт-Модерн” галереяси, Испаниядаги Гугенхайм, Токиодаги Мори, Париждаги Помпиду музейлари, Нью-Йоркдаги “Рокфеллер-маркази”, Швейцария, Қатар, Корея ва ҳатто Санкт-Петербургдаги Эрмитажда намоиш қилинган. Канадага эса Мексикадан олиб келинган. Ҳайкал муаллифи бу образ орқали ақли, худди ўргимчакдек доимо ёрдамга шошадиган ўз онасини тасвирлаганини айтади.

Галерея 6 та доимий экспозиция ва кўрғазмага ажратилган. Уларни томоша қилиш учун икки соатдан ортиқ вақт сарфланади. Музейда муайян экспонат ҳақида инглиз ёки француз тилида маълумотлар янграб туради. Қўшимча тўлов эвазига гид бошловчилигида жамоавий тур ташкил этилади.

Галереянинг ўз сайти ҳам мавжуд бўлиб, у ердан кўрғазма ва намоишлар ҳақида маълумот олиш мумкин.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Юртимиздаги барча журналистлар, газета ва журналлар, телерадиоканаллар, нашриёт ва матбаа корхоналари фидойиларини, мухтарам фахрийларни

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий табриклайди.

Сизларга сизат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда омад ва ютуқлар, хонадонларингизга файзу барака тилаймиз.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ГУЛИСТОН ШАХРИДАГИ ҚУРИЛИШГА ИХТИСОСЛАШГАН "БЕКЗОД ШЕР" МЧЖ ЖАМОАСИ

Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида меҳнат қилаётган матбуот, радио ва телевидение, нашриёт ва матбаа соҳаси ходимларини касб байрами билан қизгин қутлайди.

Барчангизга сизат-саломатлик, куч-қайрат, янги омадлар тилаймиз!

БАЙРАМ МУБОРАК!